




ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИКА БОШЛАГАН № 167 (7307). 2 сентябрь, 1980 йил СЕШАНБА Баҳоси 2 тийин.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ



СУРАТДА: аэропортида кутиб олиш пайти. А. Бойцов фотоси. («ПРАВДА»дан).

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев 31 август кунин Олма-атадан Москвага қайтиб келди. У Қозғистон ССР ва Қозғистон Коммунистик партиясининг 60 йиллик муносабати билан ўтказилган тантаналарда қатнашди.

Аэродромда ўртоқ Л. И. Брежневни КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолари қабул қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев 31 август кунин Олма-атадан Москвага қайтиб келди. У Қозғистон ССР ва Қозғистон Коммунистик партиясининг 60 йиллик муносабати билан ўтказилган тантаналарда қатнашди.

Аэродромда ўртоқ Л. И. Брежневни КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолари қабул қилди.

Министрлар Советининг Раиси В. А. Ашматов, республиканинг бошқа раҳбар партия ва совет ходимлари кутатиб қўйди.

Ўртоқ Л. И. Брежневни юбилей тантаналарида қатнашган делегацияларнинг бошқилари — КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзолари Г. В. Романов, В. В. Шербицкий, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолари кандидатлар Г. А. Алиев, П. М. Рашидов, Э. А. Шеварднадзе, итти-

фодон республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари И. И. Бодулов, А. Э. Восс, Т. У. Усубалиев, Ж. Расулов, К. С. Демурин, М. Г. Гапуров, К. Г. Вайно, Л. Г. С. Р. Олий Совети Президиумининг Раиси А. С. Баржакас, бошқа ўртоқлар кутатиб қўйди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев аэропортида ўртоқ Л. И. Брежневни Олма-ата ҳолиси самимий табриклаб турди.

(ТАСС).



● ДАСТЛАБКИ «ОҚ
ОЛТИН» КАРВОНЛА-
РИ

● ТЕРИМ МАШИНА-
ЛАРИ ШАЙ

● ИЙЛИК ПЛАН —
7 НОЯБРГА

● ПАРТИЯ ТАШКИ-
ЛОТЛАРИ ҲАЕТИДА

● МУҲИМ ДАВР

● СОЦИАЛИСТИК
МУСОБАҚА — ЮКСА-

● ЛИШ ГАРОВИ

● ЗАВОДАН — ДА-
ЛАГА

● Коммунистик райониди
«Ленински йул» колхоз
деҳқонлари бу йил етишти-
рилган ҳосилини асосан ўз
қўли билан, машиналарда
йиғиб-териб олишга пухта
тайёргарлик кўрмоқдалар.
Суратда: ремонтдан чиқ-
риб, сафга қўйилган терим
машиналари.

А. Аблян фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ»НИНГ ПАХТА ШТАБИ

Областимиз қишлоқ меҳнаткашлари бу йил фидокорона ишлаб, мўл ва эрта қиш пахта ҳосили етиштирдилар. Бу ҳосил ўзининг беш йилликнинг якунидир. Йилда она-Ватанга 435 минг тонна «оқ олтин» ариғунг етиш юзасидан зиммага олган юксак социалистик мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъмин этди.

Пахта далаларида гўл масъулиятли палла — йиғим-терим мавсуми бошланмоқда. Дастлабки қизил қарвонлари қабул пунктлари томон йўл олди.

Бу йил йиғим-терим мавсуми алоҳида аҳамият касб этди. Барча совет қишлоқлари қатори областимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани кенг аёж олдириб юборганлар.

Барча қолхоз ва совхозларнинг пахтакорлари йиғим-теримни зўр уюшқонлик билан ўтказиб, съезд шарафига олган мажбуриятларини тўла ва ошириб, муддатдан илгари бажариш учун қурашмоқдалар.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси редакциясида йиғим-теримни кенг ва опера-

тив ёритиш мақсадида «ТЕРИМ-80» пахта штаби иш бошлади.

Биз жойлардаги партия, совет ходимларидан, қишлоқ хўжалиги мутахассисларидан, район партия комитетлари ҳузуридаги матбуот марказларидан, ишчи, қишлоқ муҳбирлари ва кенг газетхонлар оммасидан йиғим-теримни уюшқонлик билан ўтказётган илгир хўжаликларни тақрибсан, азамат меҳнаткашларидан ва чевар теримчиларни жамлаб, 50—60 центнерини ташаббускорлар ва уларнинг издошлари эришган ютуқлар, социалистик мусобақанинг бориши, пахта тайёрлаш пунктлари ва заводларининг ишлари, дала меҳнаткашларига қандай маданий-маиший шартлар яратиб берилганлиги ҳақида оператив маълумотлар, хат-хабарлар ва бошқа материалларни ана шу штабга ўз вақтида юбориб туришларини сўраймиз.

«Тошкент ҳақиқати» «ТЕРИМ-80» пахта штаби телефонлари: 325647, 334048, 334808, 325533.

Қуйида пахта штабига келган дастлабки хабарларни эълон қилмоқдамиз.

БЎКАЛИКЛАРНИНГ ҚИЗИЛ КАРВОНИ

Қатор саф тортиган теримчиларнинг «оқ олтин» қизил қарвонлари Батанга ариғунг етиштирилди.

Район пахтакорларининг қизил қарвонига бағишланган тантанали митингга сўзга чиққан хўжалик раҳбарлари йиғим-терим мавсумини зўр уюшқонлик билан ўтказиб, пахта тайёрлаш ва социалистик мажбуриятларини муддатдан илгари бажариш ҳақида гапирди.

Район пахтакорлари планни 3 октябргача, мажбуриятларини эса 15 октябргача бажариш юзасидан тақдирлар белгилашди.

Уларнинг бу ташаббуси област партия комитети томонидан маъқулланган. Район хўжаликларига ҳозир 43 та терим-транспорт

УРУҒЛИК ПАХТА ТЕРИЛМОҚДА

35 тоннадан уруғлик пахта терилмоқда.

Далада кўпминг килограммчи чеварларимиз юрбоқлини кўрсатишди. — дейди қолхоз партия комитетининг секретари Ш. Абдукаримов. — Аниқса Гўлнора Норматова, Гулнора Саломова, Гўлнора Болтабева, кўпчилики ўртак бўлишмоқда. Улар кунига 120—130 килограммдан уруғлик пахта териб, нормани 1,5 ҳисса ошириб бажаришмоқда.

Уруғлик пахта терими хў-

жалининг Нуъмон Зоирхўжаев, Иффарали Ориқалиев бошлиқ бригадаларида аниқса уюшқонлик билан олиб боришмоқда. Бу бригадаларнинг барча аъзолари теримга жабоб етиштирилган тўғайли юқори суръатларга эришилмоқда.

Хўжаликда машина терими ҳам ҳозирлик аёж олиб кетган. Кеча пахта дала-рига бешта ОВХ агрегатлари чиқарилиб, гўза дефолацияси бошлаб юборилди.

Р. КАРИМОВ.

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори ҳамда Тошкент область партия комитетининг 1980 йилги пахта ҳосилини териб олиш, тайёрлашни уюштириш ва унинг сифатини ошириш бўйича белгиланган тадбирларнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган пахтакорларимизни янги меҳнат зафарлари сари руҳлантириб юборди. Бу қарорларга амалий жавоб беришга қатъий аҳд қилган пахтакорларимиз КПССнинг XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани янада кенг аёж олдириб юбордилар.

Колхоз партия комитети юксак мажбуриятларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқди. Ҳар вақтдагидек йиғим-терим даврида ҳам коммунистлар авангардлик ролини ўйнайдилар. Партия ташкилотчи ҳисобиди жами 114 коммунистнинг 90 нафаридан эъди йиғим-теримда бевосита иштирок этди. Шунингдек, 3 та терим-транспорт отрядида муваққат шартли гуруҳлари ташкил этилади. Ҳар партия ташкилотлари, муваққат партия гуруҳлари пахта йиғим-теримини уюшқонлик билан ўтказишда социалистик мусобақа таъсирчанлигини таъминлашда фаоллик кўрсатишди.

да тантанали топириш социалистик мусобақа таъсирчанлигини янада оширади. Пахта йиғим-терим даврида мусобақача яқун ясалётганда ана шу нарсача алоҳида эътибор берилади. Жумладан, қолхоз ҳурмат тахтасига мусобақа гўлиларининг портретлари қўйилганда, портретнинг иккинчи нусхаси эгасига ўзи ишлатган бригада аъзолари иштирокда топирилади.

Меҳнат унвондорлиги билан бир қаторда иш сифати ҳам алоҳида эътибор берилади. Меҳнаткор ишчи рамаза, Меҳнаткор ишчи рамаза берилганда пахтани тўқмасдан, тоза терганлиги ҳисобга олинади. Машина билан терилган ҳар гектар ерда 200 килограммдан кам

қолдириб, портретлари қўйилган ва бепул туристик путовкалар берилади.

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорида оммавий ахборот ва пропаганда воситаларидан социалистик мусобақа таъсирчанлигини оширишда кенг кўлабда фойдаланиш алоҳида таъкидланган. Хўжалигимизда «Пахтакор» деворий газетаси ва ҳар бир дала шийпониди, ремонт участкасида чиқадиган «Жанговар варақа», «Чакмоқ», «Комсомол проектор» каби ахборот воситалари социалистик мусобақа ошқорчилигини оширишга хизмат қилади.

«Жанговар варақа», «Чакмоқ»ларнинг ҳар бир сови ўз вақтида чиқариб ва тоғиларининг номини оммалаштирилади. 30 агитатор, 24 сийсий ахборотчи пахта йиғим-теримда кенг тушуштириш ишларини олиб боришди. Қолхоздаги мавқуд 15 та дала шийпонлари теледидар, радиоприёмник, холодилик, сотувчи магазин ва барча керакли қишлоқ билан таъминланган.

Барча дала шийпонлари пахтакорларининг иккинчи уйига, оммавий-сийсий ишлар марказига айлантирилди. Бадий ҳаваскорлик тўғрисида катташчилар раёқларида мунтазам раёқда концертлар ҳамда кинофильмларни намойиш этиш ташкил қилинади.

Колхозимиз аъзолари белгиланган барча тадбирларни тўла амалга ошириб, якуни йил планини 10 октябргача, социалистик мажбурият эса 15 октябргача адо этилиб, КПССнинг XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб совға тайёрланади.

М. РҒЗИМАТОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобов домли қолхоз раиси.

Т. МАДИЕРОВ,
қолхоз партия комитетининг секретари.



УРОҚ ВА БОЛҒА ҲАМКОРЛИГИ

КОРХОНАНИНГ КОЛХОЗГА МАДАДИ

ПИРИК саноат корхона-ларининг яқин атрофдаги қолхозларга оталиқ ёрдами кейинги пайтда анъана ту-сига кириб қолди ва бу са-маралари натижада беришти-риш шариҳида «Элект-рохотимир» ишлаб чиқа-риш бirlлашмаси бир неча йилдан бери Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номи колхозга яқиндан ёр-дам бериб келаяпти.

Корхонанинг қолхозга

оталиқ ёрдами йил сайин кенгайиб ва мустаҳкамла-ниб бормоқда. Ишчилар ва хизматчилар баҳор ҳамда ёз ойларида ема-хашак тай-ёрлашда иштирок этаётган-лар, кузда эса пахта йи-ғим-теримда актив қат-нашмоқдалар. Шунингдек, йиғим-терим мавсумига те-хникалар соллаб қўйишда ремонт қилувчи брига-даларнинг хизмати катта бў-ляпти. Жумладан, бу йил

бирлашма мастерлари 2 та станокни ремонтдан чиқа-ришди, бинокорлар брига-даси эса дала шийпони қуриб берди. Шунингдек, мактаб-лар ва мактабгача тарбия муассасаларини ремонт қи-лишда қатнашди.

Корхонада тайёрланган фо-тобелки материаллар ва турли мавзудаги 250 ки-лограмм қўтухонасига тақдим этилди. Кимёгарлар маданий саройи ходимлари

эса дала шийпонлари ва қолхоз клубини бадий бе-зашида ёрдам беришмоқда. Бадий ҳаваскорлик кол-лективлари дала меҳнат-кашлари ҳузурида мунта-зам маданий хизмат кўрсати-штипти.

Кимёгарлар бу йил ҳам йиғим-терим мавсумида пахтакорларга салмоқли ёр-дам бериш режаларини тузишди. Улар иштиро-кида ёздаб тонна «оқ ол-тин» йиғиштириб олинди.

«Электротехпром» иш-лаб чиқариш бирлашмаси коллективни актив оталиқ ёрдами кўрсатгани учун Тошкент область партия ко-митети ва област насаба союزلари Советининг фах-рий ёрлиги билан тақдир-ланди.

Х. АЛИМОВ.

ҚАРОДАН РУҲЛАНИБ


КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қароридан руҳланган Тош-

кент районидаги «Ўзбеки-стон ССР 50 йиллик» номи колхозининг Токи Арсло-нова бошлиқ бригада аъзо-лари зўр ғайрат билан меҳ-нат қилмоқдалар.

Бригада аъзолари бу йил даладаги 172 тонна картош-ка, 822 тонна сабабот ва 50 тонна мева сотиш маж-буриятини олишган. Ҳозир-гача улар картошка ва ме-ва топириш планини орти-ғи билан бажардилар.

О. ИСРОИЛОВА.

КЕЧА МАКТАБЛАР, ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ



Мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, институтларда яна жарангли кунгироқ овозлари эшитилди. Ёшлар билим чуққиларини эгаллаш учун парта-ларга ўтирдилар. Яхши анъанага кўра ҳамма жойда биринчи дарс севикли дохил Владимир Ильич Ленинга ба-ғишланди.

Областимиз маорифчилари янги ўқув йилини пухта тайёргарлик билан бош-ладилар. Кеча 397 минг кишилик пе-дагоглар катта отряди синфларга кириб талабаларга ҳаёт сабогини беришга ки-ришди. Ўрта мактаблардаги ўқувчилар сон бу йил 26 мингдан ортиб кетди. Улар учун яхшилаб жиҳозланган, си-фатли ремонт қилинган 819 та мактаб, 18 та мактаб-интернат ўз эшикларини оч-ди. Бу йилда мактабларда ўқувчиларни ҳам қанғайди. Биноқорларимиз я-нидан 17,8 минг ўқувчиға мўжаллан-ган мактаб ва кўшмача синф хоналари-ни сентябрга тахт қилиб бердилар.

Таълимнинг ҳаёт билан алоқасини му-стаҳкамлаш, ўқувчиларға билим билан бирга касб-ҳунар ўргатиш борасида кулай имкониятлар вужудга келтирил-

ди. Область бўйича 34 та ўқув-пилаб чиқариш комбинатлари ҳам иш бошла-ди. Уларда юқори синф ўқувчилари 42 мутахассислик бўйича таълим олади-лар.

Партия ва ҳукуматимиз ҳунар-техни-ка мактабларига эътиборни кўчатира-ётган, олий ўқув юртларида юқори ма-лакали кадрлар тайёрлаш, фаннинг иш-лаб чиқариш билан алоқасини мустаҳ-камлашга даъват этаётган экан педагогик коллективлар, профессор-ўқитувчилар-дан бутун қалб кўри, тажриба ва талант-ларини ёшлар тарбиясига бериш талаб қилинади. Ўқитувчи ва мураббийлар ёш авлоднинг коммунистик руҳда тарбия-лашдаги муваффақиятлари билан КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олишга ҳисса қўшган бўладилар.

Сиз ушбу суратда 1 сентябрь ара-фасида Қўйбўшево районига фойдаланиш-га топширилган С. Белевский номи-ли янги мактабни кўриб турибсиз. Бошланғич синф ўқитувчиси М. Холимов-заева биринчи бор мактаб кўчогига қадам қўйган кенжатоилар билан ленинча дарс ўтаётди.

А. Абляев фотолари.

СЕНИ ЭСЛАЙМАН

Йиллар ўтиб кетди, хотира қолди. Ҳаёт ташвишлари бағрига олди. Жингалар, тижқора сонлар оқарди. Согойиб эслайман сени, мактабим.

Дўстлар тарқалишдик, ким қайси томон, Йўлларни изладик бўлсин деб равон. Измин бизларга топширди мактаб, Согойиб эслайман сени, мактабим.

Энди биз: муаллим, олим, шифокор, Фазокор, санъаткор, ишчи, пахтакор, Касблар кўп, бу сафда ҳаммасидан бор...

Согойиб эслайман сени, мактабим.

Хали йиллар ўтар, яна кўп йиллар. Ёрқин чуққиларини кўзлар қўйгилар. Қанчаки, дуч келса нутаниш йўллар Согойиб эслайман сени, мактабим.

Ҳаёт синюллари қилса димтиҳон, Берган билимларини бўлади дармон, Порлоқ юлдузидан сен менинг ҳамон, Согойиб эслайман сени, мактабим.

Наримон ОРИФЖОНОВ.

ОДАМЛАРГА СЕВИНЧ УЛАШИБ

ЛАВХА

Ярим тунда Турсунбой ака чўчиб ўйгонди. Бош томилар-ни лўқилар, юраги санчиб оғрирди. Пешонасида реза-ре-за совуқ терлар пайдо бўлиб-ди. «Нима бўлдики? Наҳот-ки ана... Эҳ, лўзати уруш! Бирортасини ўйготсамкин...» У шу тубда фарздларини, умр йўлдошини безовта қи-лишни истамасди. Оғриқни кў-казиб юрмоқчи бўлиб ён-бошига ағдарилди. Бир неча минут шу кўйи этиб қолди. Бўлмади! Оғриқ борган сари кучайиб, холдан тойдирди. Пастки лабини тишлаб куч туллади-да, ўғлини чақирди: «Қаҳрамон... Ўғлим! Ленин ови-зини ўзи ҳам эшитолмади. Қўнғилга ваҳима тушиб, ка-равот четиға ён бошлаб қол-ди.

— Ҳа, Қаҳрамон. Тур, да-дангинг юраги яна безовта қилди.

Қаҳрамон аввалига уйқуси-раб онасининг гапларига ту-шумасди, кейин эса бирданга хўшёр торди.

— Ҳозир, «Тез ёрдамға» те-лефон қиламан. — У шошиб кийина бошлади.

— Шошма ахсиси, биздан тўрт подьезд нарида, иккинчи қа-ватда Рустам деган доктор бор. Шу кишини айтиб кела қол. Тагин бирон кор-қол бўл-масин.

— Малол келмайдик, болам. Қаҳрамон иккилабни останада турди қолди. — Ахир, соат уч бўлибди.

— Малол келмайдик, болам. Барака тоғур, ҳеч кимга «йўқ» демаган.

Қаҳрамон онасининг сўзла-рини охиригача эшитмади. Эшикни очиб қолдириб кўча-га юрди.

— Тун сукунатиға бузиб эшик қаттиқ тақиллади, ортидан уст-ма-уст босилган кўнғироқ овоз-и эшитилди. Елкасига тўниги ташлаган Рустам ака шошилиб бораб эшикни очди — остана-да 18 ёшлар чамасидаги йигит ташвишли қиёфада турарди.

— Дадам, ўзларини билмай ётибдилар.

Йигит ортиқча гапиролмади. Докторга илтижо билан тер-мулган кўзларида ёш ялтираб кетди.

— Мен ҳозир, деганча ши-фокор ичкарига йўналди. Зум ўтмай керакли асбобларини олиб йигит ортидан эргашди.

Турсунбой ака ўзига келиб бошида ўтирган ўз фарздани-ни, турмуш ўртоғини кўрди. Сал нарида майин жилмайиб Рустам турарди. Чехралардаги ташвиш ва ҳорғинлик маъно-сини англаб олди-да, докторга майин жилмади.

— Раҳмат, асло кам бўл-манг.

— Ҳа, Юсубод массивида-ги кўп профили болалар ши-фохонасининг бош врачси Ру-стам Қосимовнинг олижанобли-

М. ЗАРИПОВ, А. ҲАЙДАРОВ.

ЯНГИЛИКЛАР «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА «УСТАТ МУҲБИРАЛИ» ҲАБАР ҚИЛАДИЛАР

«ҚИЗИЛ КИТОБ»ГА

Областимиз ўзининг кам учрайдиган дов-дарактла-ри, ўсимликлари билан ҳам машҳур. Ҳозир унинг тер-риториясида тўрт мингдан ортиқ бундай яшил бойлик намуналари мавжуд. Бу-лар, шубҳасиз биолог ва бо-таник олимлар учун муҳим тадқиқот объект бўлиб қолди.

Ўсимликларнинг эколо-гик ва бошқа хусусиятлари-ни ўрганишда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси-нинг Ботаника илмий тек-шириш институти билан Тошкент Ботаника боғида кўп иш қилинди. Бу хил ҳамма ўсимликларнинг тар-қалиш йўллари ўрганил-моқда.

Мавжуд барча ботаник материаллар алоҳида бир йирик коллекцияни ташкил қилади. Мутахассислар ана шу бой маълумотларни «Ўзбекистон ССР Қизил китобида» ёритиш учун тай-ёрлаб қўйдилар.

ТАБИАТГА МУҲАББАТ

Табиат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масаласига эътибор йил сайин кучайиб бораётди. Шу кунларда об-ластимизнинг барча район ва шаҳарларда табиатни муҳофаза қилиш жамияти самарали фаолият кўра-тилади.

Табиатни муҳофаза қи-лиш шаҳар ва район бўли-мларининг фаолиятини йа-нада жонлантириш, бу борада тўпланган илгор тажриба-ни омдалаштириш, йўл қўйил-ган камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳар ой-да бир марта семинар ке-наш ўтказиб туриш анъана-га айланиб қолди. Навба-тдаги ана шундай йилгила-да табиатни муҳофаза қи-лиш олимлари билан раис-нинг ўринбосари Т. Турсу-нов, область «Билим» жа-мияти лектори А. Бугаева-лар сермазун суҳбат ўтқа-зишди.

КИМЕГАРЛАР МЕҲМОНИ

РСФСРда хизмат кўра-таган артист, театр, кино ва телевидение тўловчилари-га яхши таниш бўл-ган Ольга Аросева яқинда Чирчиқ шаҳридаги А. На-воий номи кинотеатрда кимегарлар билан учрашди. Бу учрашувда Москва сати-ра театрининг артистлари Виктор Рухомонов ва Ана-толий Кузнецовлар ҳам ишти-роф этдилар.

Ольга Аросева тўпланган-ларга театр ва фильмларда ижро этган роллари, янги ижодий режиссури ҳақида ҳикоя қилиб берди. Шундан сўнг у телевидение миниатю-ралар театрида намойиш этилган бир неча интерье-дияларни ҳамма спектакль ва фильмлардан парчалар кўрсатди.



ХАЛҚ ЖАСОРАТИГА ҚАСИДА

КУПНИНА санъат арбоблари Куликов жонги-нинг 600 йиллиги арафасида мамлакатимиз тари-хдаги ёрқин саҳифалардан бири — рус халқи-нинг Олтин Ўрда ҳукмронлигидан озод бўлиш учун кураш мавзуга мурожаат этдилар.

СССР халқ рассоми Илья Глазуновнинг яқин-да бу кўтлуг санага атаб тугатган туркум сурат-лари рус аскарларининг Дмитрий Донской бош-чилигида Мамай армияси устидан қозongan буюк ғалабаси ҳақида ҳикоя қилади.

Суратда: Илья Глазунов ўз ижодхона-сида «Пересветнинг татар баҳодир билан оли-шуви» номи сурати билан: (пастда) Рассом-нинг шу туркумга кирувчи «Дмитрий Донской жанг арафасида» картинаси.

В. Мастюков фотолари. (ТАСС фотохроникаси).

КОНКУРСГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига Тошкент область ижроия комите-тининг ички ишлар бошқармаси, область журналистлар ташкилоти, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская прав-да» газеталари редакциялари ички ишлар органлари фо-лиятини пропаганда қилувчи энг яхши газета мақола-си, лаҳза, очерк, радиозиттириш ва телевидение кўрсату-ви учун конкурс эълон қилади.

Конкурс мuddати 1981 йил 1 февралгача бўлиб, унинг якуналари КПСС XXVI съезди очиладиган кунда эълон этилади. Конкурс ғолибларини таъдирлаш учун 9 та мукофот таъсис қилинди.

Ички ишлар органлари ва бўлималарининг ходимла-ри томонидан тайёрланиб, матбуот, телевидение ва ра-диода эълон қилинган энг яхши мақола, лаҳза, очерк, радиозиттириш ва телевидение кўрсатувлариға:

биринчи ўрин учун — 100 сўм, иккинчи ўрин учун — 75 сўм, учинчи ўрин учун — 50 сўм.

Матбуот, телевидение ва радио журналистлари томо-нидан эълон қилинган ҳамда тайёрланган мақола, лаҳза, очерк, радио эшитириш ва телевидение кўрсатувлариға:

биринчи ўрин учун битта — 100 сўм, иккинчи ўрин учун ҳар бири — 75 сўмлик иккита, учинчи ўрин учун ҳар бири — 50 сўмлик учта муко-фот.

Бундан ташқари область журналистлар ташкилоти-нинг рағбатлантирувчи Фахрий Ерлинги ҳам таъсис этилди.


Конкурс материаллари ички нусхада, машинада кў-чиртирилган ҳолда, газетда эълон қилинган ҳамда те-левидение ва радио орқали кўрсатилган ва эшитирилган материаллар билан бирга «КОНКУРСГА» деган белги остида Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси етаси-тарбиявий ишлар бўлимиға 1981 йил 1 февралгача юборилди.

КАМОНДАН ОТИШ

Францияда камондан отиш бўйича Европа чемпионати бўлиб ўтди. Унда СССР спортчи шарафлини тошкент-лик мерганлар Наталья Бу-тузова ва Ольга Рогова ҳам ҳимоя қилдилар. Мусо-бақаларда ҳамшаҳарлари-миз юксак натижаларини қўл-га киритишди. Жумладан, Н. Бутузова барча ёиларни мўлжалла аниқ йўналтириб, олтин медалга сазовор бўл-ди. Ольга Рогова эса Евро-па чемпионатининг кумуш совриндори деб топилди.

ТЕННИС. Львов шаҳрида ўсмирлар ўртасида СССР шахсони команда чемпионати низоисига етди. 17 терма команда орасида Ўзбекистон спортчилари умумкоманда ҳисобида еттинчи ўринни эгалладилар. Бу муваффа-қиятга тошкентлик динамо-чи Вадим Маркин муносиб ҳисса қўлди. У шахсий би-ринчиликда иккинчи ўринчи эгаллаб, бронза медалига са-зовор бўлди.

МЕРГАНЛИК. Ўсмирлар ўртасида камондан отиш бўйича республика шахсий команда чемпионатида тур-ли қўнғилли спорт жамият-ларидан 50 мерган иштирок



этли. Команда ҳисобида спартакчилар биринчи, па-хтакорчилар иккинчи ўринни эгаллашди. «Меҳнат» ва-киллари учинчи бўлдилар.

Шахсий биринчиликда на-манганлик Т. Хабдулин 1118 очко туллаб, ғолиб бўлди. Қизлар ўртасида ҳурят шохсунасиға Людмила Бе-ринова кўтарилди. У 996 оч-ко тулгатади.

ФУТБОЛ. Мамлакат че-мпонатининг иккинчи лига 6-зонасида иштирок этаёт-ган командалар 34-тур ўи-нини ўтказдилар. Янгиўл-нинг «Соҳибкор» футболчи-лари Қарши шаҳрида маҳал-

лий «Қаршистрой» коман-даси билан учрашув ўтказ-дилар. Учрашув меҳмонлар-нинг тўла устулгилди ўтди. «Соҳибкор» 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Шундай қилиб, халқобод-лик футболчилар 34 турдан сўнг 38 очко туллаб турнир жадалининг туртинчи ўрин-га кўтарилишди. Шу турса дам олган «Старт» ҳисобида ҳам 38 очко бор. Команда-лар навбатдаги ўйинларини эртага ўтказишад.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

ХАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Шарқнинг буюк олими АБУ АЛИ ИБН СИНО таваллудининг 1000 йиллигига бағишланади Ўзбекистон ССР халқ шоири УЎҒУН

„АБУ АЛИ ИБН СИНО“

(«Авиценна»).

2 пардали драма.

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Ленин комсомол му-кофотининг лауреати Б. Т. ЯУЛДОШЕВ.

Рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат ар-боби СССР Давлат мукофотининг лауреати Г. Р. БРИМ.

РОЛЛАРДА: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист О. ЮНУСОВ; Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат му-кофотининг лауреати Т. АЗИЗОВ; Ўзбекистон ССР халқ ар-тисти, Ўзбекистон ССР Ҳамза номидаги Давлат мукофоти-нинг лауреати И. БОЛТАЕВА; Ўзбекистон ССР халқ артистла-ри: М. ОРИПОВ, Ҳ. НАРИМОНОВ; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Р. ҲАКИМОВ, С. СОТИБОЛДИЕВА, Г. ЖА-МИЛОВА, Т. ХОНТУРАЕВ; артистлар: Р. АБАЗОВ, М. ДУСМА-ТОВ, Э. КОМИЛОВ, Н. ОЛИМОВ, Қ. САЪДУЛЛАЕВ, Ҳ. НУР-МАТОВ, М. АЗИМОВ, О. ҚОСИМОВ ва бошқалар.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг 1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ (Т. Шевченко кўчаси, 28-й) Троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган 5 ОИЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсантларға ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади. Сўнгра ҳайдовчилар трамвай-троллейбуслардан бепул фойдаланадилар. Бошқа шаҳарлик курсантлар ётоқхона билан таъминланадилар. Маъмуздорлар гуруҳлар комплексландирилган сўнг боп-ланади. Доло ишчилари формали кийим-бош билан (50 процент ҳақи туланади) таъминланадилар.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети СССР 50 йиллиги номи Тошкент трактор заводи базасидаги ТОШКЕНТ ШАҲАР 176-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

автослесарь (электронкара ҳайдовчиси ихтисоси билан). Ўқиниш битирган ҳайдовчилик гувоҳнома-си берилади. Ўтоқхона бериладими; электромеханик, электр-газ пай-вандчи, санаят ускуналари ремонт бўйича слесарь-меха-ник, техника контроли бўлими контролёр. Фақат қизлар қабул қилинади. Ўқиниш мuddати — 3 йил; универсал Фре-зерчи. Ўқиниш мuddати — 1 ва 3 йил; силлиқловчи. Ўқиниш мuddати — 1 йил. Стипендия туланади; электр кўприкчи кранларнинг машинисти. Ўқиниш мuddати 1 ва 3 йил. Асосан қизлар қабул қилинади. Ўқиниш мuddати 1 йиллик гуруҳларда стипендия туланади; пресслаш ускуналари оператори (прессчи). Ўқиниш мuddати — 1 йил. Стипендия туланади; синовчи-тракторчи (механика-йигув ишлари слесари малакаси билан — ўқиниш битирган ҳайдовчилик гувоҳнома-си берилади). Ўқиниш мuddати — 1 йил; темпер-чи. Ўқиниш мuddати — 1 йил. Стипендия туланади; электр пайвандчи. Ўқиниш мuddати — 1 йил; универсал тоғар, Ўқиниш мuddати — 1 ва 3 йил; дурадгор. Ўқиниш мuddати — 1 йил.

Билим юртини битирганлар тўлиқ ўрта маълумот ва ихтисос тўғрисида диплом оладилар ҳамда олий ўқув юртларида киришда имтиҳонлардан фойдаланадилар.

Ўқувчилар 3 маҳал иссиқ оғдат, кийим-бош, махсус иш кийими, ахтиёж бўлганлар секция тинидаги ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқиниш даврида ўқувчиларга иш-лаб чиқариш практикасидаги иш ҳақининг бир қисми бе-рилади.

Билим юртида яхши жиҳозланган ўқув кабинетлари, устакхоналар, спорт зали, бассейн бор. 6 тўгарак ва 11 спорт секцияси ишлайди. Ўстрала, луговой ва миллий ансамбллар бор. Ёзги каникул даврида дам олиш учун Чорвоқ сув омбори районида спорт-соғломлаштириш лагерьи мавжуд.

Ўқиниш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, автобиография, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида ҳужжат, турак-жо-йидан, ота-онаниннг иш жойидан ва 286-формаларга ме-дицина справккалари, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосу-рат, характеристика.

Аризалар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700117, Тош-кент шаҳри, 1-Ташавтомаш массиви.

2 СЕНТЯБРЬ, МАРКАЗИИ ТЕЛЕВИДЕНИИНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ 9.00 — Время. 9.40 — Гим-настика. 10.05 — Тенат. Спе-ктакл. 13.05 ва 15.00 — Янги-ликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.30 — Пулат шундай тобланди. 16.15 — Болаларға ҳайвонлар ҳақида. 16.45 — Меҳнат шон-шухрати байроқ-дорлари. 17.00 — Фан олами. 18.25 — Ог спорт буйича СССР чемпионати. Уч кўраш. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Кинопортрети. 19.55 — Шиддатли шамоллар мавсуми. Бадий фильм. 21.30 — Вре-мя. 22.05 — Фильм-концерт. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Ҳужжатли фильм.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИИНИНГ ПРОГРАММАСИ 11.30 — Фильм-концерт. 12.00 — Илимий-олимпиа-фильм. 12.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Хо-тира. Бадий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Жона-жон улка. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 19.55 — Концерт. 20.30 — Ах-борот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонин-гизга барака. 22.20 — Амиз-ликнинг емирилиши. Бадий фильм.

ДОИМИИ ИШГА печатнилар, приёмщица-лар, муовачилар, стереоти-перлар ҳамда санаб ўтилган итисослар бўйича шоғирла-лар; слесарь-сантехникилар, компрессор ва совутиш ну-рилмаларининг машинистла-ри, аккумуляторларни зарда-ловчилар, газ пайвандчи, контролёрлар, лифтичилар, об-рубочи, ёрдамчи ишчилар, фарошлар, қоровуллар; вах-терлар

К Е Р А К Мурожаат учун адрес: Тош-кент шаҳри, «Правда Восто-ка» кўчаси, 26-й.